

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Қ.Юлчиев	
Ўзбек шеърлятида лирик хронотопнинг ривожы	77
Г.Орипова	
Мустақиллик давры ўзбек шеърлятида халқ оғзаки ижоды анъаналары ва ўзига хосликлар	82
А.Акбаров	
Немис адабиётида Абулқосим Фирдавсий қисматининг бадий талқинларига доир.....	87

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Турғунов	
Наманган болалар фольклорыда доимий ўйинлар ва уларнинг локал хусусиятлары.....	92
А.Бердиалиев	
Тил бирликларыро парадигматик ва синтагматик муносабатлар масаласыга оид мулоҳазалар	96
М.Абдупаттоев, С.Зокирова	
Конгруэнтлик ҳодисасы ва унинг контрастив лингвистикадаги ўрни	101
Д.Ашуrow	
“Алпомиш” достоныда қўлланылган ўхшатишларнинг лингвокультурологик хусусиятлары	104

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Д.Саимназарова	
Чет тилда матнни идрок этиб тушуниш хусусыда	108
А.Асимов, М.Ғофурова	
Масаланыннг қисқа ёзуви устыда ижодий ишлаш	111

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Т.Шадманов	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда зичлаш ва зичланыш уй-жой муаммосыни ҳал қилиш шаклларыдан бири сифатыда	115
С.Маннопов, А.Қамбаров	
Фаргона-Тошкент мақом йўналышыныннг фалсафий масаласыга доир.....	118
С.Содиқов	
Фуқаролик жамиятыга доир мумтоз назарияларныннг ривожланышы	120
Н.Усмонов	
Урбанизация ва ижтимоий ривожланыш.....	123
Н.Маҳмудова	
Исломиий қойдаларныннг бадий талқини.....	126
Ж.Дилмуродов	
А.Ж.Кронинныннг «the citadel» асарыни инглиз тилидан ўзбек тилига ўгириш муаммолары	128
Н.Эргашева	
Инглиз тили Америка варианты грамматикасынныннг айрим хусусиятлары	130
Н.Хошимова	
Ассоциациялар индивидуаллигининнг ташқи омиллары.....	134
Р.Абдуллаева	
Когнитив тушунчалар ва уларныннг мазмун-моҳияты.....	137
Л.Тешабоева	
Ўзбек ва инглиз адабиётыда рамзий маъно ҳамда уныннг хусусиятлары.....	140
Г.Эшбекова, Г.Ҳамроқулова	
Тарих фаныни ўқитишда ишчи дафтардан фойдаланышныннг аҳамияты	142
Д.Абдурахмонова	
“БОБУРНОМА”ныннг янги немисча таржимасы хусусыда.....	145

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Фидоий олим	148
--------------------------	-----

БИБЛИОГРАФИЯ

БИБЛИОГРАФИЯ	150
---------------------------	-----

УДК: 8(09)+7.03

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ АНЪАНАЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР

Г.Орипова

Аннотация

Мақолада мустақиллик даври ўзбек шеъриятининг анъанавийлиги ва ўзига хос хусусиятлари халқ оғзаки ижоди билан қиёсан тадқиқ этилган.

Аннотация

В статье исследованы традиции и своеобразие узбекской поэзии периода независимости в сопоставлении с народным устным творчеством.

Annotation

In this article distinctive features and traditional characteristics of Uzbek poetry of Independence period comparing to folk ballads were analysed

Таянч сўз ва иборалар: анъана, услуб, маҳорат, халқ оғзаки ижоди, халқ кўшиқлари, оҳанг ва мазмун, рамзий образлар.

Ключевые слова и выражения: традиция, стиль, мастерство, народное устное творчество, народные песни, мелодичность и содержание, символические образы.

Key words and expressions: tradition, style, capability, folk ballads, folk songs, melody and meaning, symbolic forms.

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг бой анъаналари барча даврлар адабиёти учун ҳам таъсир ва ўрганиш манбаи бўлиб келган. Халқчиллик ва ҳаққонийлик, ифоданинг соддалиги ва равллиги, ҳаётийлик ва жонлилик, образлилик ва ихчам ифодавийлик хусусиятлари мустақиллик даври ўзбек шеъриятида ўзининг ижодий таъсирини намоён эта бошлади. Бу жиҳатларни Э.Воҳидовдан О.Матжонгача, Х.Даврондан У.Азимовгача, У.Ҳамдамдан И.Мирзогача бўлган мустақиллик даврининг турли авлод вакиллари ижодида учратиш мумкин. Масалан, Э.Шукурнинг “Бузоқнинг ўлимидан сўнг” (1993) шеърида чорвачилик билан боғлиқ меҳнат кўшиқларидаги “Соғим кўшиқлари”, “Хўш-хўш” ларнинг таъсири сезилиб туради. Сигир соғиш пайтида айтиладиган ушбу кўшиқнинг асосий вазифаси равлон ва текис, чўзиқ... оҳанг, ритм воситасида ҳайвонни тинчлантириш, ийдириб, кўп сут соғиб олишдан иборатдир. Шунинг учун “Хўш-хўш” кўшиқларида чорвадор ва деҳқонларнинг суянчиғи бўлмиш сигирнинг барча аъзоларининг хатти-ҳаракатини, емишини, хусусиятларини васф этиш мотивлари етакчилик қилади”. [1,150] Э.Шукур ҳам ўзбек халқ оғзаки ижодидаги ана шундай усуллардан ижодий фойдалангани ҳолда ўзига хос фикрнинг таъсирчан ифодасини яратади. Шоир юқоридаги сатрлардан айнан эмас, эркин ёндашган ҳолда мустақил, турли ассоциатив мулоҳазага бой сатрлар яратади.

Шеър “Уч унлик бузоғи ўлган сигирни Соғиб олаётир бефарзанд хотин. Туёғи зирқираб йиғлайди жонивор. “Хўш-хўш” лаб куйлайди қайғули хотин” [3,171] мисралари билан бошланади. Боласидан ажралган сигир ҳолати

тасвири фарзандсиз хотин тилидан “Қувраб егин ўтингни, Ийиб бергин сутингни. Сенинг боланг ўлибди, Хурмо боланг бўлибди. Хўш-хўш, энам-ов, хўш” тарзда тасвирланади. Шу тариқа дарди дунёси бир бўлган образлар силсиласи шеър сатрлари давомида бирин-кетин намоён бўла боради: “Қайғуни ямламай ютади хотин, Аламни қувшаб еб ётади сигир. Томорқада эса... экин ичидан Битта бола излаб ивирсийди эр”. Фарзандсиз хонадон ҳолати ҳам, эру хотин орасидаги муносабатлар ҳам кундан-кун совуқлашиб бормоқда. Бу шеърнинг “Ховлида хувиллар беш хонали уй... Гувиллаб кўпайиб борар чумоли... Узоқлашиб борар хотин билан эр, Бир яйраб кулишга етмайди ҳоли” сатрларида намоён бўлади. Шеърдаги тобора кўпайиб бораётган чумоли тафсилли боласиз совуқ хонадондан кўнгли қолган хотин ҳолатини ифодаласа, сўнги сатрдаги ўғри мушук образи кутилмаган ҳулосани юзага келтиради:

Уч кунлик бузоғи ўлган сигирнинг
Сутин соғиб олди бефарзанд хотин.
Икки жонивор қалби чайилган сутни
Ўғри мушук ичиб кетди ўша тун.

Шеърдаги “туёғи зирқираб йиғлаётган жонивор”, “хўш-хўш” лаб куйлаётган қайғули хотин”, “битта бола излаб томорқада ивирсийётган эр”, “икки жонивор қалби чайилган сутни ичиб кетган ўғри мушук” образлари турли ассоциатив маъноларни юзага келтиради. Воқелиқдаги драматизмни авж нуқталарда тасвирланишига хизмат қилади. Ушбу ўринда шоирнинг ўзбек халқ оғзаки ижоди манбасидан фойдаланиш маҳорати кўзга ташланади.

Профессор А.Расулов Э.Воҳидов ижодига хос жиҳатларни таҳлил этаркан, куйидагиларни тўғри таъкидлайди: “Олам — замону

Г.Орипова – ФарДУ мустақил изланувчиси.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

макон оддий одамни зумда зеру забар қилиб юбориши мумкин. Мулки борлиқ, Коинот, Сайёра... Оламда яна бир Дунё борки, унга худо ярлақганларгина кира олади. Унинг номи Шеърият. Бу дунёда сирлилик бор, лекин унда сир ётмайди, кимнинг кимлиги офтобдан аён. Бу ғаройиб дунё ҳамиша ҳаракатланиб, ортиқча юкларни беаёв элтиб беради. Шеърият ғалвиридан тўкилиб қолган-у, бу сирни яширмоқчи бўлганлар ҳолати аянчли”. [3,258] Ана шундай шеърият дунёсига кира олган ижодкорлардан бўлган Эшқобил Шукурнинг “Шоли кўриқчиси” шеъри ўзида оҳанглардаги сирлиликни, мусиқийлик замиридаги маънодорликни, турли ассоциатив ифодавийликни мужассамлаштиргандир.

Маълумки, ҳосил етилган пайтда айтиладиган “Чумчуқ қувиш” кўшиғи бўлган “Эй, ҳой, гала, эй, ҳой гала, Чумчуқ келди бир гала. Менинг боғим кичкина, Ҳу катта боғларни тала” ёки “Ҳола-ё, ҳола-ё, Катта полни тала-ё, Катта полга тўймасанг кичкина полни тала-ё!” [4,126] тарзидаги ифодадан таъсирланган Э.Шукур куйидаги сатрларида табиатнинг бетакрор манзарасини яратади. Шеърнинг:

Чумчуқ, чумчуқ, шўр тумшуқ,
Ҳаййо – ҳуйт! Ҳаййо-ҳуйт!
Тумшуғингни тошга тут,
Ҳаййо – ҳуйт! Ҳаййо-ҳуйт!
Шолипоя кўллаган –
Осмонлар чўкиб ётар,
Тилларанг балиқчалар
Юлдузча бўлиб ётар.
Ҳаййо – ҳуйт! Ҳаййо-ҳуйт!
Шамолга забон бериб
Шолипоя чайқалар....[5,5]

тарздаги мисраларида ҳосили бўлиқ шолипоя манзаралари, унинг тундаги бетакрор чизгиси ўзига хос оҳанг билан уйғунлашган ҳолда намоён бўлади. Кейинги мисраларда шоир жонлантириш, ўхшатишлардан кенг фойдаланган ҳолда ана шу тунги тасвирларни янада изчиллик билан чиза боради: “Сувнинг оҳангин териб Куйлаб кетар бақалар. Ҳоййо-ҳуйт! Ҳоййо-ҳуйт! Кенг уйнинг бекасидай Бошда тутлар қапайган, Туянинг уркачидай Четда чайла сўппайган. Ҳоййо-ҳуйт! Ҳоййо-ҳуйт! Кун ишлари узилар Нурдан кўпчир қишлоқлар. Қизлар каби сузилар, Бўйи етган бошоқлар. Ҳоййо-ҳуйт! Ҳоййо-ҳуйт!” Ушбу ўринда Абу Наср Фаробийнинг “Баъзи халқларда олдин нағма-куй яратилиб, кейин унга ҳамоҳанг қилиб шеър боғлайдилар. Бунда шеърнинг бўлаклари куйга боғланган нуқтаи назардан худди баъзи бир ҳарф-товушлар ўхшаб қолади”, деган сўзлари ёдимизга келади. Дарҳақиқат, деҳқончилик билан боғлиқ халқ оғзаки ижоди манбалари, айниқса, қўшиқларнинг яралишида, даставвал оҳанг, сўнг матн юзага келганлиги маълум. Оҳанг, ритм меҳнатнинг маромийлигини таъминлаган, ундаги

машаққатли жараён оҳанг ёрдамида энгиллашган.

Э. Шукур ижодида ўзбек халқ оғзаки ижодидаги “йиғи-йўқлов” ларнинг таъсири ҳам алоҳида ўрин тутди. Унинг “Менгим момонинг йўқлови” (1981) шеъри гарчанд шўро даврида яратилган бўлса-да, мустақиллик даври шеърларидаги сиқик ифодавийлик, образли ифодаларга бойлик, оҳангдорлик, нозик қочиримларга бойлик хусусиятларининг юзага келишида муҳим ўрин тутди. Шеър мазмунининг 1917 йил октябрь тўнтариши даврида Ватанидан сургун қилинган, хорижда ўз-ўзига йўқлов айтиб, дунёдан ўтган Менгим Момонинг гирияси тарзида берилган. Ҳажми олтмиш олти сатрдан иборат бўлган мазкур шеър ўзига хос марсия бўлиб, халқ душмани сифатида ёт элларга сургун қилинган, ғариблиқда жон таслим этган бойвучча Менгим момонинг юртига бўлган соғинч туйғулари ўзига хос тарзда ифодасини топгандир. Шеърнинг:

Тоғдан тошлар қулайди,
Кўздан ёшлар қулайди,
Қисматнинг қора кўли
Пешонангни силайди.
Вой, Менгим-а, шўр Менгим.
Увв!.. Ув!!! [5,36]

тарзида “кўзида Боймоқлининг суратлари қотган, кафанда жонсиз тана – тирик армон”, “сойлар бўйларида йиғлаб учган овози”, “гўристонга кўриқчи – ўқилмаган жанозаси” бўлган, “хотирасидан олисда мунгли шам чарсиллаган, ота юрти соғинчидан суяги қарсиллаган” Менгим момо изтиробни ўзига хос тасвирини топгандир. Менгим момо интилган юртнинг гўзал манзараси таъсирли сатрларда Увв!.. Ув!!! тарзда акс этади. Менгим момонинг васияти ҳам ўзгача. Бу васиятда унинг йиллар давомида кўнглидан жой олган армонлари мужассам. Шеърнинг “Гўрим ўз юрагимда, Юракда бордир Ватан. Қишлоқдан кийиб келган Куйлагим бўлсин кафан” сатрларида халқ оғзаки ижодидаги “йиғи-йўқлов”ларнинг оҳангига уйғун ҳолда ифодасини топади. Шоирнинг маҳорати шундаки, у қатағон сиёсатини қораловчи, ватанпарварлик ғояларини улуғловчи таъсирчан шеърни яратган.

Рустам Мусурмоннинг “Кўриқчи” шеърида ҳам халқ оғзаки ижодидаги “Кўриқчилик даъватлари” нинг таъсири муҳим ўрин тутган. Шеърда лирик “мен” – кўриқчининг кечинма-туйғулари узумзор манзаралари тасвири билан уйғунлашиб кетади. Халқ оғзаки ижодининг ҳаётини кўриқлаш билан боғлиқ даъватларидаги сатрлардан таъсирланган ҳолда ўзига хос ассоциатив мушоҳадалар уйғотувчи, ҳаётнинг мураккаб, ғалаёнли жараёнларига ишора этувчи шеърни яратган. Шеър “Ҳой гала-гала, ҳей гала-а а а... Каркас келди бир гала-а а а... Менинг боғим кичкина-а, катта боғларни тала-а а а... Ҳей гала-гала, ҳой гала-а а а...

Узумзор орасинда Туну кун пойлаб ёттим. Юракни палаҳмонга тош қилиб жойлаб отдим. Ҳой гала-гала, ҳей гала-а а а...” билан бошланади. Ушбу мисраларда ишком орасида ўз ёрини кутаётган, уни кўришга интизор пойлоқчи – ошиқ кечинмаларини ҳам ифодалаётгандек бўлади. Бу шеърнинг кейинги “кийгиздим вужудимни Тўрт туёқнинг устига. Пойладим жон риштасин Тўрт-т-а-ё-ғ-и – дастига. Ҳой гала-гала, ҳей гала-а а а... Чўп чайла – усти жонсиз, Пасти жонли устунлар. Олиб қочар чайлани Бирин-бирин устунлар. Ҳой гала-гала, ҳей гала-а а а...” сатрларида янада ойдинлашади. Ушбу ўринда Л.Тимофеевнинг “Шеърнинг эвфеник ифодалилиги учун фақат ҳамоҳангликкина эмас, ундаги турли хил оҳанглар уйғунлигига бойлик, уларнинг алмашинуви, бир-бирини тақозо этиши ва бир-биридан кескин фарқланиши ҳам муҳимдир” [7,28], деган сўзлари характерлидир. “Қўриқчи” шеърида ҳам турли хил оҳанглар уйғунлигини, улар алмашинувидан юзага келган изчил оҳангдорликни кўрамыз. Шеърнинг сўнги сатрлари:

Бир кафан сўнгақларим
Ишком остига илдим...
Ҳайдаш-чун каркасларни
Шақурр-шуқурроқ қилдим.
Ҳой гала-гала, ҳей гала-гала-а а а...

Қалбимдан қақнус қуши
Учиб чиқар бир гала.
Боғ ичра минг кўнгилга
Тухум қўяр минг гала.
Ҳой гала-гала, ҳей гала-а а а...
Ҳой гала-гала, ҳей гала-а а а...!!!

тарзда яқунланади. Шеърда ана шу тариқа лирик “мен”нинг қалб кўрғонини турли тажовузлардан кўриқлаш зарурлиги ҳақидаги фалсафий қарашлар ўзига хос ифодаланганлигини кўрамыз.

Мустақиллик даври ўзбек шеъриятида Рауф Субҳон ҳам халқ оғзаки ижоди анъаналарини давом эттириб, бетакрор услуби, чуқур фалсафага йўғрилган ижоди билан алоҳида ўрин эгаллаган. Унинг “Бахшиёна” шеъри эртақдан олинган “... Қуёш билан Ойни аждаҳо ютиб юборади. Уни бир ботир кутқаради...” сатрларни келтириш билан бошланган. Бахши томонидан айтилган “Юрт қоронғи, тор бўлса Ботир кўкси ер бўлар. Қуёш ютган, Ой ютган Аждаҳо бедор бўлар. Тун ухлайди, кун ухлар, Эл бўғзида ун ухлар. Ер – кўк аждар оғзида Бу қоронғу дун ухлар” [8,201] сатрларида юрт эркини сақлаш, хушёрлик, жипслик талаб этишни ёнги вазнга асосланган ифодаларда ёритади. Р.Субҳон ана шу тарзда эртақ мазмундан таъсирланган ҳолда янги моҳият, янги ғояга эга шеър яратади. Ёки бошқа бир шеърида шоир эртақ ва дostonлардаги асрий жимликлар ҳукмрон бўлган аждаҳолар ухлаб ётган ғорларни ёдга олади. Фарҳод ва

Ширин, Лайли ва Мажнуннинг улуғ муҳаббати, наҳотки тарихларда, ўтмишда қолган бўлса? Наҳот инсоният тезкор аср измига тушиб муқаддас туйғуларни унутаятган, ўз-ўзидан бегоналашаятган бўлса? Бу унинг таназзулидан нишона эмасми? Шеърнинг:

Севгилим,
Қор бўрони
Қадамларни секинлатди-да,
Юр, ғорга кирамиз,
Аждаҳолар ухлаб ётган асрий жимликда
Муҳаббат ҳақида суҳбатлашамиз...[7,15]

сатрларида юқоридаги саволлар беихтиёр юзага келади. Шу тариқа ардоқли туйғу – муҳаббатнинг беқиёслигини улуғловчи ғоя ифодасини ҳис этамыз.

Ж.Жумабоева Омон Матжоннинг “Ҳаққуш қичқирғи” китоби ҳақида тўхталар экан, “Шоир ҳаққуш ҳақидаги бу асарини афсона ва воқелик ҳақидаги ўйлари, мушоҳадаларидан синтез қилган. Унга кўпинча афсонадан кўра ҳаёт, реал воқелик куч берган. Умуман, шоир бу афсона орқали бутун китобга қамраб олган асарлари мағзини озиқлантиради. Афсоналар бағрига яширинган ҳақиқат гавҳари – шу кунги ҳаётимиз уммонидан излаб топилганлигини мантиқан англатади. Бу эса китобга “Ҳаққуш қичқирғи” деб аташга мустаҳкам замин бўлади”. [9,144] Иқбол Мирзонинг “Рамазон” шеърида болалар фольклори таъсири унга “Рамазон айтиб келдик эшигингизга, Худойим ўғил берсин бешингизга...” сатрларини келтириш билан бошланганида кўринади. Маълумки, рўзай рамазон кунларида кечга яқин болалар эшикма-эшик ушбу қўшиқни айтиб юрадилар. Хонадон соҳиблари уларга қанд-курслар беришган. “Рамазон” шеъри ҳам оқшом тушиш арафасидаги қишлоқ кўчалари, унда рамазон кўшигини айтиб юрган болалар тасвири билан бошланади “Кўчалар қатор теракларга, порлаётган юлдузлари тўла, ой нурларига бурканган қишлоқ, унда олган ҳолвалари ҳаққиға ширин тилаклар қолдираётган дили жавоҳир ялангоёқ болалар” тасвири шеърнинг дастлабки банди асосини ташкил этади. Шоир маҳорати шундаки, ун кўтариб қайтаётиб симёғочга суяниб йиғлаган Ёқуб полвонга ўқувчи диққатини қаратиш орқали унинг изтиробларига ошно этади. “Пичанларнинг ҳидига кўшилиб кетар садо, Мўрилардан чайқалиб таралади дудлар, ҳам. Шу кеча келинларнинг кўнглига қара, дунё, Шу кеча куёвларнинг кўзига боққил олам! Айланади чархпалак, гулдирайди тегирмон, Умр ўтар сув каби, буғдой мисол тўкилар. Ун кўтариб қайтётган бефарзанд Ёқуб полвон Симёғочга суяниб [9,188] Маълумки, “Лирика инсон ўз шахсини таниган, ўзини шахс сифатида англаган, ўзини олам ичра яна бир олам, деб билган ва ташқи объектив оламга янгича қараган шароитларда пайдо бўлади. Инсон ўз шахсини

АДАБИЁТШУНОСЛИК

олам билан қиёслайди, гоҳо унга қарама-қарши қўяди, гоҳо ташқи олам билан туташ ва пайваста эканлигини қайд этади. Аммо, ҳеч қачон олам қаршисида ўзини батамом унутмайди”. [10,237] Иқбол Мирзонинг лирик қаҳрамони ҳам Ёқуб полвон дардини ўз дарди, деб ҳис этади, унинг олами ичра яшайди.

Шеърнинг сўнги сатрлари “Дўст, тирноққа зор бўлма, кўрмагил тирноқча ғам, Ҳар йили кўзтуморлар осилсин бешигинга. Менинг ҳам елкамдаги юкимни олсин болам, Рамазон айтиб борсин бир куни эшигинга” тарзидаги эзгу ният билан хулосаланади. Ана шу тариқа шоир “Рамазон” шеърида эса болалар фольклори материалларидан таъсирланиб, янги воқелик асосида шеър яратади ва ўзига хос туйғулар, кечинмалар тасвирини юзага чиқаради. “Бойчечак” шеърида болаларнинг маросим қўшиғидан таъсирланиб, ишқ-муҳаббат мавзусини, севимли ёр қиёфасини тараннум этувчи бойчечак образига янгича ёндашган маъноларни юзага келтиради. Маълумки, болалар эрта баҳорда Наврўз даракчиси сифатида бойчечакни дала, қирлардан териб, гулдасталар тайёрлаганлар. Ҳовлима-ҳовли юриб, “Бойчечак” қўшиғини куйлаб, баҳор келганидан хабар берганлар. Болаларнинг бири яккахон сифатида куйласа, қолганлари нақоратларда унга барабар жўр бўлганлар. Болалар:

“Қўшиқда таърифланган бойчечак – эрта баҳорда очиладиган гулгина эмас, умумлашма даражасига кўтарилган рамзий образ ҳам. Унда мурғаккина болалик образи тажассум топган. Халқ болани эрта баҳорнинг илк гули тимсолида кўрган, бола шу гулдай нозик, ёқимли навниҳол ва чиндан ҳам инсоният баҳорининг ғунчаси тарзида эъзозланган” [1,294]. Иқбол Мирзо ушбу образдан ижодий таъсирланган ҳолда янги образ яратади. У кўнгли ишққа банди бўлган ошиқ дили, маҳбуба тимсоли сифатида намоён бўлади. Шеърнинг дастлабки сатрларида “кўзларини музини кўз билан эритган, андуҳларнинг изини бир кулиб аритган қиз” тасвири ўрин олган. Кейинги бандда икки дилда – ошиқ-маъшуқларда севги уйғонган ҳолат “Қошларимга энгашиб, Қошларинга энгашиб қалдирғочлар қайтдилар, валфажр айтдилар, бойчечаким бойланди” [9,4] тарзда ифодаланади. Олти банд ва ҳар бир банд бешликдан иборат мазкур шеърда “бойчечаким бойланди” бирикмаси беш маротаба такрорланади. Бу ишққа банди кўнгли ёки бу кўнглининг иккинчи бир кўнглига бандилигининг ифодачиси сифатида қўлланилаётгандек бўлади. Шеърнинг сўнги банди:

Гулдек нозик қўлингга
Бармоқларим бойланди.
Бир кулдингу қўйнимда
Бойчечакка айландинг!

Бойчечаким!...

сатрлари билан хулосаланади. Бойчечак ардоқли муҳаббатнинг, севимли ёрнинг ифодачисига айланади. И.Мирзо маҳорати шундаки, сўзнинг шеъринг контекстдаги маъно товланишларидан фойдаланиб, унинг янги талқинини юзага келтирган.

Профессор Н.Раҳимжонов тўғри таъкидлаганидек, “Чинакам шоир учун сўз – бу, фикр айтиш, кечинмаларни ифодалаш воситасигина эмас, балки яшаш тарзи, яшаш шаклидир. Ҳар бир сўз бадий асардаги ғоявий-эстетик мақсадга кўра муайян маъно касб этади. Замиридаги мазмун орқали ўзининг янги-янги маъно қирраларини намоён қилади” [11,32]. Ана шундай жиҳатни Усмон Азимовнинг ўзбек халқ оғзаки ижодидан эртак ва дostonларида учрайдиган образ ва тафсиллардан фойдаланиб яратган куйидаги сатрларда ҳам кўрамыз:

Қодир ҳаёт – улкан ялмоғиз,
Сезиб жоним мазаларини
Етти ўлчаб қилдинг бир оғиз,

Умримнинг шаън лаҳзаларини, - [12,115]
сатрларида шоир “мен”и умрининг шитоб билан ўтаётганини, айниқса, қувончли, фараҳли дақиқалари тезлик билан ўтишини ва йўқлик сари кетишини, ўлжасини ютаётган улкан ялмоғиз тимсолида ифодалайди. Шунингдек, юқоридаги бандда “Етти ўлчаб бир кесмоқ” халқ мақоли ўзига хос шакл ва маънода пайдо бўлади. Шу тариқа кунлар, йиллар ўтиши билан биз ҳам умримизни бой берамыз. Шу боис унинг мазмуни ҳақида ўйлаб кўришимиз лозим, демоқчи бўлади шоир.

Кейинги сатрларда эртак ва дostonлардаги “борса – келмас йўл” тафсилдан фойдаланиб ортга қайтмас вақт – ўтган йиллар ҳақидаги фалсафий фикрнинг “Маҳкамладинг борлик эшигин, Очдинг йўқлик дарчаларини. “Борса-келмас” сари узатдинг Йилларимнинг парчаларини” [12,116] тарзидаги ўзига хос ифодасини намоён қилади. Умр ўтар экан, инсон нималарнидир бой бера боради. Бой берадиганлари: соғлиқ, қувват, умрининг гуллаган даври – ёшлиқ, ғайрат-шижоат ва ҳ.к. Сатрлардаги борлик эшигининг маҳкамланиши ва йўқлик дарчаларининг очилиши шу билан боғлиқдир. Шеърдаги драматик ҳолат “Алдоқларга сен мени отдинг, Сотдинг шайтон ҳаммолларига. Мендан кечдинг – бир ўзим ботдим Юрагимнинг зиндонларига. Қодир ҳаёт – маккора, мастон, Ёқсанг олов, ўчирсанг кулман. Кун кўрмадим дунёда осон – Юрагимга мен ҳам бир кулман” тарзда ифодаланади. Риторик сўроқ воситасидаги ушбу сатрларда эса ҳаёт мураккабликлари “Ҳали тирилишим беадад, Ҳали қандай ўлишларим бор... Мени нима қиласан алдаб, Ростдан умринг минг йилми чинор?” тарзда ифодаланади. Ҳаёт ширин, ҳаёт азоб. Унинг синовлари беҳисоб. Бу синовларда

инсон минг бора ўлиб, тирилади. Бу синовларда тобланади, умри қисқаради ҳам. Шу боис чинорнинг шундай ҳаёт синовлари олдида минг йил яшашига ишониш қийин. Шу боис чинор бардошига қойил ҳам қолиш керак. Юқоридаги чинор ҳақидаги халқ ривоятлари асосидаги банд ўқувчида худди шундай ассоциатив фикрларни уйғотади.

Хуллас, мустақиллик даври ўзбек шеъриятида халқ оғзаки ижоди анъаналари муҳим ўрин тутиб, ўзига хос маҳорат ва такомил босқичи учун хизмат қилмоқда. Шоирларнинг

халқ оғзаки ижодига мурожаатларида икки жиҳат кўзга ташланади:

1. Халқ оғзаки ижоди материалларидан айнан фойдаланиш орқали янги мазмунни ифодаловчи асар яратиш.

2. Халқ оғзаки ижодидан қисман фойдаланиб, янги асарлар яратиш.

Мустақиллик даври ўзбек шеъриятидаги халқчиллик, оҳангдорлик, содда, сиқик ифодавийлик, рамзий образларга бойлик хусусиятларида, шубҳасиз, халқ оғзаки ижоди материалларининг ўрни каттадир.

Адабиётлар:

1. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: “Ўқитувчи”, 1990.
2. Эшқобил Шукур. Ҳамал айвони. – Т.: “Шарқ” нашриёт- матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2002.
3. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. –Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007.
4. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: А.Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти, 1993.
5. XX аср ўзбек шеърияти антологияси. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2007.
6. Тимофеев.Л. Слово в стихе. -М.: Сов. писатель, 1982.
7. Рауф Субҳон. Ишонч -Т.: “Ўзбекистон”, 2015
8. Жумабоева Ж. Омон Матжон. – Т.: “Фан”, 1992
9. Иқбол Мирзо. Сизни куйлайман. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007.
10. Адабиёт назарияси. Икки томлик. Иккинчи том. – Т.: Фан, 1978
- 11.Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърияти. -Т.: Фан, 2007.
12. Азимов У. Уйғониш азоби. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991

(Тақризчи: Х.Жўраев – филология фанлари доктори)